


ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИ АКС ЭТТИРГАН АСАР



2025 йил 17 декабрь куни Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонаси томонидан Минтақавий тадқиқотлар институти (Institute of Regional Studies, IRS) билан ҳамкорликда атоқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов қаламига мансуб «Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» китобининг инглиз тилидаги нашри тақдимот маросими ўтказилди.



Мирзиёев МИРЗАМАСЛОВ олган суратлар

Сўз тақдимот иштирокчиларига

Ўзбекистоннинг ўзгариб бораётган қиёфаси



Муртазо САЛАНГИ,
Покистон
Президентининг
Матбуот котиби

– Ўзбекистон – ажойиб мамлакат. Мамлакатларимизни, халқларимизни ўзаро боғлаб турган ришталар жуда кўп. Ўзбекистон – Покистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун имкониятларимиз чексиз. Яқинда Ўзбекистонга таширф буюрдим ва Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларига бевосита гувоҳ бўлдим. Мен Ўзбекистоннинг ўзгариб бораётган қиёфасини таълимда ҳам, соғлиқни сақлашда ҳам, инфратузилма ва бошқарув тизимида ҳам кўрдим.

Покистон учун ҳам намуна йўли



Жовхар САЛИМ,
IRS президенти

– Бу китоб – Янги Ўзбекистоннинг шарафли тараққиёт йўлига бағишланган. Ўзбекистон қандай мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтгани бошқа мамлакатлар, шу жумладан, Покистон учун ҳам намуна бўла олади. Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланмоқда.

Тадбирда Покистон Президентининг Матбуот котиби Муртазо Саланги, Покистон вазирлик ва идоралари раҳбарлари, парламент палаталари аъзолари, Исломободдаги ўндан ортиқ хорижий элчилар, дипломатик корпус вакиллари, бизнес ва илмий-академик доиралар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, Исломобод ва унга туташ ҳудудларда яшовчи ватандошлар, кенг жамоатчилик, жами 100 га яқин киши иштирок этди.

Ўзбекистондан Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Ҳ.Эрматов, «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори Э.Туляков ва бошқалар қатнашди. Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар мавзусидаги видеороликлар намоиш этилди.

Тақдимотни Ўзбекистоннинг Покистон Исломи Республикасидаги элчиси Алишер Тўхтаев очиб берди. Дипломатик миссия раҳбари қисқа вақт ичида Исломободда Ўзбекистон ҳақида учта муҳим китоб – Мухаммад Аббос Хоннинг «Uzbekistan: The Third Renaissance – The Concept of the Future» ҳамда Меҳмуд ул-Ҳасан Хоннинг «Shavkat Mirziyoyev: Great Leader of Reforms and Regional Integration» ва Қудратилла Рафиқов муаллифлигидаги «Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» номли асарларининг кенг жамоатчиликка тақдим этилгани, Покистон илмий-академик доира вакиллари орасида

Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ортаётганидан далолат беришини таъкидлади.

Шунингдек, Қудратилла Рафиқовнинг ушбу китобида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги юртимизда амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотлар жараёни, иқтисодий либераллаштириш, камбағалликни қисқартириш, ташқи сиёсат, маданий дипломатия ва минтақавий интеграция каби масалалар батафсил ёритилгани қайд этилди. «Ўзбекистон раҳбарининг «ислохотлар статистика учун эмас, инсон қадрини, шаъни ва келажаги учун» экани ҳақидаги таъминлиги таянган ҳолда юртимизда «Янги Ўзбекистон» ғоясини ҳаётга татбиқ этиш амалий стратегияга айлангани, рақамли иқтисодиёт, «яшил» энергетика, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш борасидаги ютуқлар китобда чуқур таҳлил этилган», деди дипломатик миссия раҳбари.

Маърузада Президент Ш.Мирзиёев ва Бош вазир Ш.Шариф шафелигида икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани, томонлар Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи стратегик лойиҳалар, жумладан, Трансафғон темир йўлини қуриш устида изчил ҳамкорлик қилаётгани, ўзаро савдони 2 миллиард АҚШ долларига етказиш бўйича қўшма чоралар ишлаб чиқилаётгани алоҳида эътироф этилди.

Шундан сўнг сенатор Хусан Эрматов сўзга чиқиб, ҳозирги кундаги ислохотлар тизимли ва қамровли тусга

эга эканини, улар мамлакатнинг мутлақо янги қиёфасини шакллантираётганини таъкидлади. Тадбир иштирокчиларига тақдимоти ўтказилаётган китобнинг мазмуни ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, сиёсий эселарнинг ҳар бири тарихий аҳамият касб этувчи муҳим лойиҳалар, воқеликларга асослангани, бунда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати, жумладан минтақавий сиёсат борасида қисқа муддатда эришилган натижалар таҳлиliga бағишланганига эътибор қаратди.

«Тараққиёт стратегияси» маркази директори Элдор Туляков ўз чиқишида сўнги саккиз йилда Ўзбекистонда давлат ва жамият муносабатларини тубдан қайта шакллантиришга қаратилган кенг қамровли сиёсий ислохотлар амалга оширилганини қайд этди. У «Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» китоби айнан шу жараёнларни тизимли таҳлил қилиб, мамлакат тараққиётининг янги модели шаклланаётганини очиб берганини ургулади.

«Ислохотларнинг асосий йўналиши инсон қадрини давлат бошқаруvinинг бош таъминлиги айлантиришидир. Конс-

титудий ва ҳуқуқий янгиликлар орқали давлатнинг легитимлиги фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғланди. Давлат идоралари фаолиятида «фуқарога хизмат қилиш» тамойили ортувор бўлди. Сиёсий ислохотлар фуқаролар иштирокини институционал даражага олиб чиқди. Халқ қабулхоналари, виртуал муносабат платформалари, қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик муҳокамалари ва «Очиқ бюджет» механизмлари орқали аҳоли давлат қарорларини қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти ва очиқ ахборот муҳитининг роли кучайди. Нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва рақамли платформалар жамоатчилик назоратини кенгайтириб, давлат фаолиятининг ошқоралигини таъминламоқда. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган сиёсат ислохотларнинг ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамламоқда. Ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобдорликни кучайтиришидир. Суд-ҳуқуқ тизими, парламент ва маҳаллий вакиллик органларининг назорат ваколатлари босқичма-босқич кенгайти-

рилмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолияти мустаҳкамланди», деди Элдор Туляков.

Покистон Президентининг Матбуот котиби Муртазо Саланги ўз навбатида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини, жамият ҳаётини янгилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий йўналтирилган сиёсатни янада мустаҳкамлашни «Ривожланишнинг Ўзбекистон модели», деб атади.

IRS президенти Жовхар Салим ўзичиқишида Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар, модернизация жараёнлари, очиқ ва прагматик ташқи сиёсатнинг моҳияти асарда батафсил ва жонли мисоллар билан очиб берилганини таъкидлади.

Шунингдек, Жовхар Салим «Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли» китоби Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотларнинг янги даврга мос бўлганини ва у республика тараққиёт йўлини ўзида таҳлилий акс эттирилганини қайд этди.

Анжуман алоҳида самимият руҳида ўтди. Кўплаб оммавий ахборот воситалари жараённи ёритишмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, парламентлар аъзолари Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган лойиҳаларни мунтазам кузатиб боришаётганини ва уларни қўллаб-қувватлашини билдиришди.

Барча иштирокчиларга мазкур китоб совға қилинди. Тадбир якунида элчихона ходимлари тайёрлаган миллий санъат намуналари қўرғазмаси билан танишиш ва тақдим этилган миллий таомлар йиғилганлар томонидан янада ажиб бир таассурот билан эътироф этилди.

Ўз муҳбиримиз

Очиқ мулоқот

1211 эшитади!

КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИДАН КЎНГЛИНГИЗ ТЎЛЯПТИМИ?

Федерация вакиллари янги тузилган ташкилотлар ходимларига шундай савол билан юзландилар

Андижон вилоятида касабани уюшмаларига аъзолик афзалликлари юзасидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари натижасида кейинги икки йилда 6 минг 522 та хўжалик субъектида меҳнат қилаётган 149 минг 516 нафар ходим аъзоликка жалб этилиб, уларнинг иктимой-иқтисодий ҳимояси таъминланди. Бу кичкина рақамлар эмас. Айни чоғда, ўз-ўзидан «Кўйи бўғинларда касабани уюшмалари қандай ишляпти?» деган саволни кун тартибига қўяди.

Яқинда Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг аппарати-нинг Ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари Жаҳонгир Ихтиёров раҳбарлигида кенгаши ва тармоқ касабани уюшмалари вилоят ташкилотлари раҳбарлари 2024-2025 йиллар давомида янги тузилган касабани уюшмаси ташкилотларида бўлдилар. Мулоқотлар чоғида ходимларга иш ҳақининг ўз вақтида берилиши, меҳнат муҳофазаси, қонунчилик ҳамда низоом талабларига риоя этилиши, касабани уюшмаси кўмитаси ва иш берувчи билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш ва бошқа масалалар бўйича фаолият тахлил қилинди. Аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Шу аснода иш берувчилар вакиллари ҳамда касабани уюшмаси фаолларига жамоа шартномасини тузиш ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан маслаҳатлар берилди.

Жумладан, икки кун давомида савдо, уй-жой қурилиши, автомобилларнинг бутловчи қисмларини ишлаб

чиқариш, тикув-трикотаж, резина пойабзал маҳсулотлари тайёрлаш, автомобиль савдоси ҳамда меҳмонхона хизмати каби соҳаларга ихтисослашган, нодавлат сектордаги 7 та корхона ва ташкилот ходимлари билан бево-сита иш устида кечган суҳбатларда бошланғич ташкилот етакчисининг фаолияти, салоҳияти ўрганилиб, тегишли ёрдам ва тавсиялар берилди. Иш берувчи билан учрашиб, ҳамкорликдаги ишлар, жамоа шартномаси бандлари бажарилиши тахлил қилинди.

Корхоналарга ташриф чоғидаги суҳбатлар очик мулоқот форматида ўтказилди. Уларда раҳбарлар, ишчи-ходимлар, бошланғич касабани уюшмаси кўмиталари раислари ва бошқалар иштирок этдилар.

Учрашувларда қайд этилганидек, Президентимиз раҳбарлигида халқни

рози қилиш йўлида амалга ошири-лаётган кенг қўламли саъй-ҳаракатлар ва ташаббуслар мамлакатимиз довуғини Янги Ўзбекистон номи билан бутун дунёга таратмоқда. Ана шундай изчил ислохотлар ва янгила-нишлар жараёнида касабани уюшма-лари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда касабани уюшмалари эркин ва кенг қўламли фаолият юри-тиши учун барча шарт-шароитлар яра-тилди. Натижада касабани уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги икти-мой шериклик янги босқичга кўта-рилди. Шунингдек, ташкилотнинг иктимой шериклики ривожланти-риш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқла-рини самарали ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигини тақомиллаштириш ва ХМТ конвенцияларини ратифика-ция қилишда ҳамкорлик йўналишла-

ридаги фаолияти сезиларли даражада ошди. Иктимой-меҳнат муносабат-ларига оид қабул қилинган қонунлар-нинг аксариятида давлат органлари томонидан Федерацияга келишиш учун тақдим этилган 1000 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда, жум-ладан, янги Меҳнат кодексига ка-сабани уюшмалари тақлифларининг аксарияти ўз аксини топди.

Учрашувларда тармоқ касабани уюш-малари вилоят ташкилотлари раҳ-барлари меҳнатқашларнинг иктимой-ий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тармоқ касабани уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталдилар. Мулоқот-ларда корхона-ташкилотлар ишчи-ходимларининг иктимойий ҳимоя ти-зими, иш ҳақи, хавфсизлик ва иш шароитига тааллуқли фикр-мулоҳаза-лари, мурожаат ва тақлифлари муҳо-кама қилиниб, мурожаатлар бўйича мутахассислар томонидан ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Тадбирлар якунида тармоқ касабани уюшмаси фаоллари олдида турган вазифалар салмоғи ниҳоятда катта экани, келгусида иш берувчилар билан музокараларни давом эттирган ҳолда ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, касабани уюшма аъзолари сафини кенгайтириш, шу тариқа соҳа меҳнатқашларини иктимойий ҳимоя билан тўлиқ қамраб олиш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттири-лиши алоҳида қайд этилди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши бўлим мудири



Бор бўл, оқибат!

Бу даргоҳда яшаётганлар учун ҳамма нарса етарли. Ҳеч нарсага зориқиб йўқ. Аммо... Улар йўл қарайдилар. Эшикдан кимдир кириб келса, йўқла-гувчилар борлигидан шодланади, кўзлари кулади, яйраб кетишади. Уларга меҳр керак. Инсоннинг кўнглини кўтариш, кувонтириш — эзгу иш.

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Орамизда турли сабабларга кўра, имконияти чекланган, аммо тўлақонли ҳаётга инти-лаётган курашувчан одамлар бор. Саховатпеша инсонлар ана шун-дайлар ҳузурига кўпроқ интила-дилар. Янгиер шаҳридаги «Мурув-ват уйи» ўша манзиллардан бири. Ўрни келса, биргина хастага бутун бир оила узоқ муддат қараши малол келади. Бу ерда эса 147 нафар аёл меҳр, эътибор оғушида. Ўзбекистон касабани уюшмаларининг Сирдарё вилояти кенгаши вакиллари ушбу муассасага тез-тез келиб туриши одат тусини олган. Яқинда ҳам улар ушбу масканда бўлиб, совғалар ула-шишди.

— 145 кишидан иборат жамоа-миз туну кун хизматда, — дейди

«Мурувват уйи» директори Ойбек Шодиев. — Аёллар саломатлиги Озод Маматов, Раъно Эркаева син-гари тажрибали шифокорларимиз-нинг доимий назоратида. Муассаса-мизда ҳамма шароитлар беками кўст яратилган. Бу ердаги опа-син-гилларимизни йўқлаб келувчилар жуда кўп. Касабани уюшмаларининг эътиборидан ҳаммиша мамнунмиз.

Хайрия дастурхони атрофида ҳамма жамулжам бўлди. Вилоят мақомчилар ансамбли ижросидаги минлий кўшиқлар қалбларга со-кинлик бахш этди. Ижро этилган рақслар, ўқилган шеърлар йнги-ганлар томонидан олқишланди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

АМАЛИЁТ АСОСЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

«Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамиятида Жиззах политехника институтининг «Кимё-муҳандислик» кафедраси филиали таш-кил этилди.

Шу муносабат билан уюштирил-ган тадбирда корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти, бу ерда талабаларнинг амалиёт ўташи учун яратил-ган шароитлар ҳақида сўз юритилди. Хусусан, бўлгуси кимё муҳан-дислари ҳафтанинг му-айян кунда завод би-носидидаги ўқув хонасида таълим олишлари, шу жараёнда уларга акку-муляторлар тайёрлаш босқичлари билан тў-

лиқ танишиш имкони берилиши билдирилди. Қолаверса, ёшлар олий ўқув юртини тамомла-гач, завод уларни иш билан таъминлаши ай-тилди.

Таъкидлаш жоиз, 709 нафар ишчи-хо-дим фаолият кўрсата-ётган бу йирик sanoat корхонасида жорий йилда 1 миллион 100 минг донга 60 дан зиёд турдаги аккумулятор-лар ишлаб чиқарилган. Корхона маҳсулотлари

Фаолият

Афғонистон, Тожикистон, Қирғиз Республикаси, Россия ва Арманистонга экспорт қилинмоқда. Жиззах аккумуляторлари га Ироқ, Мўғулистон, Ум-мон давлатлари ишби-лармонлари ҳам қи-зиқиш билдираётир.

Яна бир маълумот: Жиззах политехника институтини қошида сал аввал Автомобилсоз-лик илгор муҳандислик мактаби очилган эди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2 де-кабрь куни Жиззахга ташрифи давомида ушбу муассаса фаоли-яти билан танишанди.

Алжон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Кўрик-танлов

ЁШЛАР ШИЖОАТИ

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашида «Соҳа ривожига ме-нини ҳиссам» шиори остида кўрик-танлов ўтка-зилди.

Корхона ва ташки-лотларда меҳнат қилаётган иш-чи-ходимлар ишти-роқ этган тадбирда ёшлар ўз тақдимотлари орқали

соҳа ривожига қандай қилиб хисса қўши-лари умкинлигини кўрсатиб беришди.

— Бу ерда ўз били-мимизни, иш тажри-

бамизни намойиш эт-дик. Танловда ишти-роқ этиб, голибликни қўлга киритдим, — дей-ди Фарғона шаҳридаги Президент мактаби ўқитувачиси Дилфуза Избаева.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактабида «Кучли касабани уюшмалари — кучли жамият асоси» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

Унда кенгаши раиси Гулсара Курбонбоева, Гурлан тумани ҳокими Руслан Уразбаев, Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муясар Раҳимова ва бошқалар мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш йўлида амалга оши-

рилаётган ислохотлар ва ушбу жараёнда ка-сабани уюшмаларининг хиссасига тўхталдилар.

— Ҳам иш берувчи, ҳам касабани уюшмаси аъ-зоси сифатида соҳа ривожига хисса қўшиб ке-лаётганимдан мамнунман, — дейди ушбу мак-таб директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Анара Маҳмудова. — Фаолиятимизда бизга «Ishonch»

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Хо-тин-қизлар муаммолари бўйича ишлайдиган 1211 рақамли «Ishonch телефони»га келган навбатдаги муро-жаатда 3 нафар фарзанднинг онаси бўлган олмаликлик 34 ёшли Н.Жаркенбоевнинг турмуш ўртоғидан алимент ундиришда амалий ёрдам сўралган ва масъул идоранинг бугунги кунда алимент тўлаб берилгани ҳақидаги маъ-лумоти акс этган.

«СИЗГА ДАРДИМНИ АЙТТИМ КЕЛДИ...»

Мурожаатчининг ҳам фикрларини эши-тиш мақсадида у би-лан боғландик.

— Касабани уюшма-рига катта раҳмат, шулар-нинг жонбозлиги туфайли менга яқинда 10 миллион сўм алимент пуллари унди-риб берилди, — деди Н.Жар-кенбоева. — Масъуллардан миннатдорман, болала-рининг каму кўстига анча турттак бўлишди. Фақат яна бир илтимосим бор. Ҳозир жуда тушқун аҳволдаман, турмуш ташвиши мени ҳолдан тойдирди. Шу дард-ларимни газетанга ёзишни-гизни истаيمان. Токи уни ўқишсин, қил устида тур-ган баъзи оилаларга сабоқ бўлсин...

Аёл йиғлар эди... Уни диққат билан тингладим.

— Турмуш куранимизга 15 йил тўтди. 14, 10 ва 7 ёшли ўғил-қизимиз бор. Ўзим «Олмалик» КМК АЖДА кран ҳайдовчиси бўлиб ишлай-ман. Турмуш ўртоғим билан бирга ишлаб, уй-жой қил-дик, машина олдик. Ўқшга ҳам кирдим, насиб бўлса, олий маълумотли бўламан. Хуллас, биз ҳамма ҳавас қи-ладиган аҳил оила эдик. Ле-кин вақт ўтиб, турмуш ўр-тоғимнинг бизга муноса-батиди ўзгаришлар сезила-ди.

— Ва ниҳоят, шу йил февраль ойида тинч ои-ламиз дарз кетди: унинг бошқа бир аёл билан алоқаси борлигини билиб қолдим. Бундан қаттиқ тушқун-ликка тутидим, фарзандлар ҳаққи-ҳурмати, эс-хушини йиғиб олишини ёлвориб сўра-дим. Фойдаси бўлмади, уй-дан чиқиб кетди. Ундан «Истасанг шу, бўлмаса, ке-дтавер!» деган гапни эшит-дим. Фарзандларимнинг ха-ражатларига ёрдам берма-гач, уни алиментга бердим. Шукрки, қайнонам тушун-ган аёл. «Ҳеч қарерга кетмай-сан, бу уй болаларники, шу

ерда ўтирасан», деди. Аёл киши учун эрининг ҳатто фарзандларига ҳам бел-фарқ бўлиб қолиши катта зарба экан. Уша аёлни то-пиб, кўчада тортишиб қол-ганимиз сабабли у мени суд-га берди, суд эса жаримага тортиди. Лекин мен ўз қону-ний оиламни ҳимоя қилдим, фарзандларимнинг оиласини оиламига қайтармоқчи эдим, наҳот шу ишим тур-тирак бўлишди. Фақат яна бир илтимосим бор. Ҳозир жуда тушқун аҳволдаман, турмуш ташвиши мени ҳолдан тойдирди. Шу дард-ларимни газетанга ёзишни-гизни истаيمان. Токи уни ўқишсин, қил устида тур-ган баъзи оилаларга сабоқ бўлсин...

Аёлнинг яна айтишича, шу йил ноябрь ойида тур-муш ўртоғи алимент пулла-рини камроқ тўлаб бориш мақсадида, мутахассис ва-зифасидан қоровулликка ўтган. Болалар эса, айни ба-лоғат ёшига тўлиб, атроф-даги воқеаларни яхши ан-глаб боришмоқда. Бундай нохуш ҳолатлар уларнинг руҳиятига зарба бериши тайин. Болаларга ҳозир ота-онанинг қўллови ҳар қ-ачонгидан кўпроқ зарур.

Биз бу чигал муносабат-ларнинг ечим топишида маҳалла идоралари, оила ва хотин-қизлар бошқарма-лари томонидан янада таъ-сири чоралар кўрилади, оиланинг аввалги ҳолатига қайтарилишига жиддийроқ эътибор берилди, деган умиддамиз. Зеро, тинч-то-тув ва бахтли оилаларгина кучли жамиятнинг мус-тахкам асоси бўла олади.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Тадбир

газетаси яқин кўмакчи. Жамоамиз билан унда чоп этилган тахлилий мақолаларни муҳокама қиламиз, бошланғич ташкилотлар фаоли-тига оид янгиликлардан хабар топиб, уларни ўзимизга татбиқ этамиз.

Мактабнинг бошланғич касабани уюшмаси кў-митаси раиси Манзура Жумабоевнинг айти-шича, 98 нафар аъзо жамоа шартномаси орқали иктимой-иқтисодий ҳимоя билан қамраб олинган. Ўтган йили 8 нафар ходим санаторий-ларда, 5 нафар фарзанд оромгоҳларда соғлом-лаштирилди. 16 нафар ўқитувчи халқаро ва миллий сертификатларга эга, 4 ўқитувчи 1000 АҚШ долларидан зиёд ойлик олади. 81 нафар ўқитувчининг 31 нафари олий, 24 нафари би-ринчи тоифали. Бу йил 8 нафар янги ўқитувчи ишга қабул қилинди. Ўтган йили мактабда ку-рилиш реконструкция ишлари амалга ошири-лиши натижасида иш шароитлари янада яхши-ланди, таълим-тарбия сифати ошди.

— Биз устоз-шогирдлик анъаналарини ўқувчилардан бошлаймиз, — дейди Анара Маҳмудова. — Юқори синфда тахсил олаётган (келажакда ўқитувчи бўлиш ниятидаги) ўқу-вчиларни тажрибали ўқитувчиларга бирикти-рамиз. Бу, ўз навбатида, таълим сифатига ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда.

Мақтаб жамоаси ушбу тадбирга ўзига хос чиқишлар тайёрлади. Ўқитувчилар Ўзбекис-тон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг «Ishonch» газетасининг шу йилги 1 ноябрь сонидида чоп этилган «Ифтихор» шеърини ифодали ўқиди-лар. Аъзам Зиё шеъри, Дилором Омонуллаева мусиқаси асосидаги касабани уюшмаси мадҳия-сини ижро этдилар. Улар тайёрлаган видео-ролик ҳам барчага жуда манзур бўлди.

Муҳайё БЕКМУРОВОДА,
Урганч давлат педагогика институти магистранти

Ривожланмаган мамлакатларда сув ичиш, ривожланганларида эса нафас олиш хавфли. Жонатан Рейбан

70 ФОИЗ ЧЕГИРМА: ИМТИЁЗМИ ЁКИ ФИРИБГАРЛИК?

Долзарб мавзу

Кейинги йилларда «50 фоиз чегирма!», «Бирини олинг – иккинчиси текин!», «Йилнинг энг катта акцияси», «Барча маҳсулотлар – 10000 сўм», «Байрам акцияси бошланди!», «1+1=3», «Супер акция» каби эълон ва рекламалар кўпайди. Бу ҳолат, айниқса, байрамлар арафасида янада авж олади.

Яқинда кийим-кечак дўкони олдиндан ўтатиб, «70 фоиз чегирма!» деган ёзувга кўзим тушди. Ўзимча ўйладим: агар тадбиркор товарини шунчалик арзон – 70 фоиз «скидка» билан сотса, қандай қилиб фойда кўради? Бу имтиёзми ёки фирибгарлик?

Умуман олганда, бу каби чегирма ва акциялар эълон қилинишининг ўз тартиб-қоидалари борми?

– Қўмитамиз истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати юрифтади, – дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси бўлим бошлиғи Абдурахмон Раупов. – Бунда бизга «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар дастуриламал бўлмоқда.

Сўхбатдошимизнинг айтишича, йиллар давомида соҳага доир қонунчилик талаблари такомиллаштирилган. Аммо шу чоққача чегирма ва акциялар эълон қилиш тартиб-тамоийллари аниқ белгилаб қўйилмаган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарори билан чакана савдо қоидаларига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унда «рағбатлантирувчи акция», «нархнома», «чегирма нарх», «чегирма нархгача бўлган нарх» тушунчалари ва уларнинг мазмун-моҳияти изоҳланиб, чегирма ва акцияларни эълон қилиш тартиб-қоидалари белгиланди.

Қарорга биноан, ҳар бир чегирма эълон қилинганда унинг аниқ миқдори, амал қилиш муддати, товарнинг охириги 30 кундаги

энг паст нархи ва чегирмагача бўлган нархи ҳақидаги маълумотлар аниқ кўрсатилиши шарт (қўшлоқ хўжалиги маҳсулотлари бундан мустасно). Агар «скидка» экланган миқдордаги товарларга ёки мавсумий маҳсулотларга тегишли бўлса, бу ҳақда истеъмолчиларга олдиндан хабар берилиши, акция давомида таклиф этилаётган бонуслар ҳақиқатан ҳам, қўлланилиши керак.

Дарвоқе, «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида ҳам акция эълон қилиш учун талаблар белгиланган. Жумладан, рағбатлантирувчи акцияларни ўтказиш чоғида реклама берувчи акция бошлангунча оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда иштирок этиш шартларини эълон қилиши, ўтказиш қоидаларини, совринлар ва ютуқларнинг номини, миқдорини, уларни олиш жойи ҳамда тартибини кўрсатиши, шунингдек, рағбатлантирувчи акцияга тааллуқли бошқа ҳар қандай ахборотни тақдим этиши шарт. Реклама берувчининг номи, манзили, боғланиш учун телефон рақами, электрон почта манзили ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши зарур. Сотувчи ўз манфаатини кўзлаб, шартларни ўзгартириши, нархни сунъий равишда ошириши, истеъмолчиларни чалғитиши ёки акция ҳақидаги муҳим маълумотларни яшириши қатъиян тақиқланади.

Тегишли қонунчиликка кўра, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, никотин мосламалари, дори воситаларига акция эълон қилиш мумкин эмас.

– Бу жараён истеъмолчилар учун қулай имкониятлар яратади, тадбиркорлар учун эса савдони сезиларли даражада ошириш имконини беради, – дейди А.Раупов. – Қўмита тадбиркорларга ҳуқуқий ва амалий кўмак кўрсатишга тайёр. Лекин айрим сотувчиларнинг шахсий манфаат илтиҳотида ёлгон акция ва чегирмалар эълон қилиниши, товарнинг ол-



динги нархи ёки чегирма шартлари ҳақидаги маълумотларни яширишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Масалан, ўтган даврда қўмитага келиб тушган 48 мингдан ортиқ мурожаатнинг асосий қисми шу жиҳат ҳиссасига тўғри келди. Рағбатлантирувчи акция эълонлари бўйича 697 марта ўрганиш ўтказилганда, 256 та рекламада камчилик аниқланди.

Фуқаро Т.Ш. «Bellissimo Pizza International» МЧЖ томонидан ўтказилган «PUBG MOBILE: Bellissimo Pizza Takliflari» акциясида иштирок этган. Чегирма шартларига кўра, буюртма қилинган пицца учун «PUBG MOBILE» коллекциясидан иборат ўйинчоқлар тақдим этилиши керак эди, бироқ компания акция шартини бажармаган. Қўмитанинг бевосита аралашуви билан ушбу ҳолат ижобий ҳал этилиб, фуқарога махсус ютуқ етказилди.

Яна бир ҳаридор «Тошкентавтомарказ» МЧЖдан «Opix» русумли автомобиль харид қилган. Жамият томонидан эълон қилинган акция доирасида 8 миллион сўмлик кэшбек миқдорга берилмаган. Мазкур ҳолат бўйича қўмита томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 225-қарори билан тасдиқланган низомга асо-

сан, иш кўзгатирилган ва бугунги кунда ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

– Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолият юритаётган электрон платформалар сони анча ошди, – дея сўзида давом этади у. – Борди-ю улар ҳам қонунчилик талабларини бузса, уларнинг фаолияти махсус комиссия томонидан ўрганилади ва ноқонуний ҳолат аниқланса, тегишли тартибда чора кўрилади. Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жониз: ҳозир кўп қўлланган Telegram, Instagram каби мессенжерларда шахсий гурӯҳ ва каналлар очиб, турли акциялар ўтказишмоқда. Уларга алданиб қолаётганлар кўп. Тадбиркорлик субъекти сифатида расман рўйхатдан ўтмасдан «ишбилармон»лик қилаётган ҳолатлар аниқланганда ИИБ билан ҳамкорликда вазиятни ўрганамиз ва «учур тадбиркор»ларга жавобгарлик белгиланади. Истеъмолчилар сохта чегирма ёки акциялардан жабр кўришса, қўмитанинг 1159 рақами «Ишонч телефони»га мурожаат қилишлари мумкин.

Фаридун ЙЎЛДОШЕВ, журналист

Касаба уюшмаси аралашгач...

Илҳом Тожиаҳмедов 2010 йилдан буён Наманган вилоятидаги «Чорсу» деҳқон универсал бозорига коммунал хизматлар мутахассиси сифатида ишлаб келаётган эди. 2025 йил 31 июль кuni шартнома муддати тугаганлиги важи билан вазифасидан озод этилди. Аммо шундан кейин ҳам уч ойча ишлади (ҳолбуки, у билан 2024 йилда бир йиллик меҳнат шартномаси тўзилган, лекин бу муддат тугаса-да, иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнат муносабатлари давом этган).

Ғайриқонуний БУЙРУҚ БЕКОР қилинди

Фуқаро бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Ҳолат атрофлича ўрганилиб, иш берувчига тегишли тартибда тақдимома киритилди. Бироқ унинг ижроси таъминланмади. Шундан сўнг кенгаш ходим манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига даъво-ариза киритди.

Суд меҳнат қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб, даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатига оид қисмини қонун талабларига зид, деб топиб, иш берувчидан И.Тожиаҳмедов фойдасига уч ойлик иш ҳақи – 17 миллион 640 минг сўм ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Аслида ходимни қонуний равишда ишдан бўшатилиши ўрнига, устига-устак, иш ҳақини бермасликка иш берувчининг ҳақи йўқ. Қолаверса, эндликда меҳнаткашлар орасида ўз ҳақ-ҳуқуқларини билдирганлари кўп. Касаба уюшмаси эса бундай вазиятда доим ёрдамга шай.

Анваржон ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

Мулоҳаза

ЎҚИЛМАЁТГАН КИТОБЛАР ВА ЁЗИЛАЁТГАН ҲАЁТЛАР

Бугунги даврни «ёзаётган замон» деб аташ мумкин. Ҳар ким ёзмақда: кимдир ҳаётини, кимдир кайфиятини, кимдир тушкунлигини, кимдир бошқаларга кўрсатмоқчи бўлган сунъий бахтини. Аммо шу ёзилаётган ҳаётлар фонида галати ва ачинарли бир манзара кўзга ташланади – китоблар ўқилмапти. Жавонларда қатор тизилган асарлар сукут сақлапти, муаллифлар сўзсиз қоляпти, тафаккур секин-аста тораймоқда. Бу шунчаки ўқий оdatининг су-сайиши эмас, бу – онг инқирози.

А в в а л а р и китоб ҳаётга тайёрлар эди. Инсон синовларига дуч келмасидан олдин уларни китоб орқали танир, бошқаларнинг хатоларидан сабоқ олар, фикран пишиб этиларди. Бугун эса вазият тескари: ҳаёт яшаб кўрилмоқда, хатолар қилинмоқда, ж а р о ҳ а т л а р олинмоқда, шундан кейингина «тушуниш» бошланмоқда. Аммо кўпинча т у ш у н и ш ҳам кечикади. Чунки китоб бермайди ган тажрибани ҳаёт бериши қимматга тушади. З а м о н а в и й жамият ўқишга эмас, намойишга

асосланган. Инсон қандай ўйлаётгани эмас, қандай кўринаётгани муҳим. Китоб ички жараён, сукут, ёлғизлик ва тафаккурни, ижтимоий тармоқлар шовқин, тезлик ва доимий кўз остида бўлишни талаб қилади. Китоб билан инсон ёлғиз қолади, ўзи билан юзлашади. Замон эса одамни ўзидан қочишга ундайди. Шу боис бугунги одам ўқишдан кўра ёзишни афзал кўради: чунки ёзиш – яшириниш, ўқиш рўбарў келишидир.

Ўқилмаётган китоблар жамиятда, биринчи навбатда, фикр саёзлашуви ни келтириб чиқармоқда. Бугун одамлар тез хулоса чиқаради, лекин чуқур ўйламайди. Бир-икки жумла билан баҳо берилади, мураккаб масалалар содда-лаштирилади, муаммолар илдизи билан эмас, сиртидан муҳокама қилинади. Китоб эса мураккабликни севади. У с а - волларни кўпайтиради, тайёр жавоб бермайди. З а м о н с а в о л н и эмас, тезкор жавобни хоҳлайди. Натижада тафаккур юзак бўлиб қолмоқда.

Ёзилаётган ҳаётлар масаласига танқидий қараш шарт. Бу-

гун кўпчилик ўз ҳаётини саҳналаштирмоқда. Ҳар бир кун, ҳар бир ҳолат, ҳар бир ҳиссиёт оммага мўлжалланмоқда. Аммо бу ёзишлар ҳаётни чуқурлаштиришга ёки саёзлаштиришга – бу савол камдан-кам берилади. Кўпинча ёзилаётган ҳаётлар яшалаётган ҳаётдан узилиб қолган. Чунки улар ҳақиқатга эмас, тасаввурга хизмат қилади. Китоб эса ҳеч қачон ёлгон ҳаётни ёзмайди. У оғриқни ҳам, ҳақиқатни ҳам яширмайди, шу боис оғирроқ, аммо ҳалолроқ.

Китоб ўқилмаган жамиятда тил қашшоқлашади. Сўзлар қисқаради, иборалар содда-лашади, маъно йўқолади. Бугун кўпбала одамлар ҳис-туйғусини ифодалашга сўз тополмайди. Натижада жаҳл билан гапирди, сукутга чекинади ёки агрессияга ўтади. Чунки сўз бойлиги фикр бойлигининг асоси. Китоб ўқилмаган одам фикрини бошқара олмайди, фикрини бошқара олманган жамият эса ўз йўлини йўқотади.

Баъзилар бу ҳолатни «замона шунақа» деб оқлайди. Аслида замона эмас, масъулият ўзгарган. Китоб ўқиш бугун мажбуриятдан кўра ихтиёрий машғулотга айланган. Аммо ихтиёрий бўлган нарса тезда ортага сурилади. Инсон, энг аввало, қулайликни танлайди. Китоб қулай эмас – у вақт, диққат, ички меҳнат талаб қилади. Замон эса инсоннинг меҳнатдан эмас, меҳнатсиз натижадан завқланишга ўргатмоқда.

Ўқилмаётган китоблар – бу йўқолаётган хотира. Ҳар бир китоб ўз даврининг руҳини, муаммосини, саволларини сақлайди. Уни ўқимаслик – ўтмиш билан алоқани узиш демак. Ўтмишни билмаган жамият эса келажакни онгли қурмайди. Ёзилаётган ҳаётлар кўпинча бугуннинг ҳисси-

ётига қаратилган, уларнинг умри қисқа. Бугунги пост эртага унутилади, бугунги «тренд» тезда эскиради. Китоб эса вақт синовидан ўтади.

Энг хавфли жиҳати шундаки, китобсиз улғаяётган авлод ҳаётни фақат ўз тажрибаси билан ўлчай бошлайди. Бу тор дунёқарашни келтириб чиқаради. Китоб инсонни бошқа тақдирлар, бошқа фикрлар, бошқа ҳаётлар билан таништиради. Ўқимаган одам ўз ҳаётини марказ деб билади. Бу ижтимоий мурасизликка, бошқани тушунмасликка олиб келади.

Тан олиш керак: муаммо фақат ўқувчида эмас, тизимда ҳам бор. Китоб ўқишга рағбат кам, тез натижа талаб қилинади. Таълимда ҳам мазмун эмас, натижа ўлчанади. Ўқувчи ўқиб англагани учун эмас, тестдан ўтгани учун баҳоланади. Натижада китоб билим манбаи эмас, имтиҳон воситасига айланади. Бу эса ўқишга бўлган муносабатни совитади.

Айтиш мумкинки, ўқилмаётган китоблар ва ёзилаётган ҳаётлар ўртасидаги тафовут тафаккур билан тасвир ўртасидаги зиддиятдир. Агар жамият фақат ёзма, лекин ўқимаса, у ўзини кўпайтиради, аммо чуқурлаштирмайди. Китобни ҳаётдан сиқиб чиқариш – бу онгни сиқиб чиқариш билан баробар. Китобга қайтиш орқага эмас, ичкарига – инсоннинг ўзига қайтиш демак. Агар бугун китобни очмасак, эртага ҳаётни тушуниш янада қийинлашади. Чунки ўқилмаган китоблар бир кун келиб, ёзилаётган ҳаётлардан ҳисоб сўрайди.

Ҳурида НИШОНОВА, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтини таянч докторанти

Сўранг, жавоб берамиз

«ЙЎЛЛАМА БЕРИШДИ, АММО УНДАН ФЙДАЛАНМАДИМ»

САВОЛ: Ходимга санаторийда даволаниши учун берилган йўлланмадан баъзи бир сабабларга кўра, фойдаланмаса, қуядими?

Мафтуна УБАЙДУЛЛАЕВА Сирдарё вилояти

ЖАВОБ: «Ижтимоий суғурта бюджетни мабларги ҳисобидан санаторийларга йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, бериш, ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 27-бандига асосан, йўлланмадан фойдаланилмаганда туман, шаҳар тармоқ касабаси уюшмаси кенгаши ва касабаси уюшмаси кўмиталари уни амал қилиш муддати бошланганидан қамада 15 кун олдин қайтариши зарур. Бунда ҳисоб-фактурада қайтариш сабаби кўрсатилган бўлиши ва унга тушунтириш хати илова қилиниши лозим.

Яна бир раи. Ходим ўзига берилган йўлланмадан сабабсиз фойдаланмаса ёки бошқа бировга берса, маълум муддатта йўлланма олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Саволга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Фаргона вилояти кенгашининг Ижтимоий суғурта бўлими етакчи мутахассиси Ҳилола МАМАЗИЯЕВА жавоб берди



E-AUTOTECH

«E-AUTOTECH» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган авто, махсус транспорт, ускуналар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдоларга таклиф этади!

Савдоларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142 сонли қарорига асосан «O'zsanotqurilishbank» АТБ балансида бўлган:

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Судиёна» МФЙ, Сергели-3 мавзеси, 4-уйда жойлашган Фронитал поғруччи; Сирдарё вилояти, Янгйер шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 7-уйда жойлашган Пайпоқ ишлаб чиқариш ускунаси сотилади.

– Сотини шартли ва нархи билан e-autotech.uz сайти орқали танишингиз мумкин.

– Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишингиз мумкин.

– Савдога иштирок этиш учун талабдорлар e-autotech.uz платформаси орқали ариза беришлари керак.

Колл-марказ: +99855-517-22-20. Расмий сайти: e-autotech.uz



«Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдоларга таклиф этади!

Савдоларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142 сонли қарорига асосан «O'zsanotqurilishbank» АТБ балансида бўлган:

Бухоро вилояти, Гиждувон тумани, «Памуза» МФЙ, Навбахор кўчаси, 240-уйда жойлашган Ишлаб чиқариш биноси ҳамда МДФ ишлаб чиқариш ускунаси сотилади.

– Сотини шартли ва нархи билан e-rieltor.uz сайти орқали танишингиз мумкин.

– Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишингиз мумкин.

– Савдога иштирок этиш учун талабдорлар e-rieltor.uz платформаси орқали ариза беришлари мумкин. Колл-марказ: +99855-517-22-20. Расмий сайти: www.e-rieltor.uz

Тошкент вилояти Янгйўл туманидаги «MASUDA ONA» фермер хўжалигининг думалоқ муҳри йўқолгани сабаби бекор қилинди.

**Вақт ёлгон фикрларни йўқотади,
табиат фикрларини эса тасдиқлайди.**
Марк Цицерон

Мушоҳада

РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ:

У инновациями ёки инсонийлик синови?

Сўнги йилларда таълим соҳасида эришилган катта ютуқлардан бири рақамлаштиришдир. Бир пайтлар аудиторияда ўтадиган дарс ўрнини бугун онлайн платформалар, виртуал мулоқотлар, сунъий интеллект асосидаги ёрдамчилар, электрон баҳолаш тизимлари эгаллаб бормоқда. Бу ўзгариш табиий жараён, аммо бир савол хануз очiq турибди: рақамли таълим бу – инновациями ёки инсонийликнинг янги синови?

Технология таълимни жисмоний чегаралардан бутунлай озод этди. Энди ўқувчи дунёнинг исталган нуқтасидан туриб дарсда қатнаша олади, бир неча дақиқада юзлаб манбаларга кириш имконига эга бўлади ҳамда мураккаб жараёнларни симуляция орқали реал тажрибадан деярли фарқсиз илгайди. Сунъий интеллект эса ўқитувчиларга тезкор баҳолаш, индивидуал усулларни яратиш, интерактив материаллар тайёрлаш ва мулоқот майдонини кенгайтириш имконини яратиб, таълим тарихидаги энг йирик сифат ўзгаришларидан бирини бошлаб берди. Аммо ўзгариш билан бирга, «деформация» ҳам кучаймоқда. Чукўр ижтимоий-психологик ўзгаришлар юзага чиқмоқда. Буни таълим жараёнида қуйидагича кузатиш мумкин.

Жонли мулоқот камайиши оқибатида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги кўз алоқаси, синфнинг табиий динамика ва руҳий уйғунлиги сустлашиб бораётгани, интернетнинг «тайёр жавоб»ларига сўянши эса ёшларни мураккаб изланишдан, мантиқий таҳлил ва тажрибаларни ўрганиш жараёнидан четлаб қўяётгани кузатилади. Қисқа видеолар ва тезкор контент ҳукмронлиги билимнинг юзаки ўзлаштирилишига сабаб бўлаётган бир пайтда, рақамли оламнинг кескин ритми ўқувчи-



ларнинг диққат барқарорлиги, психологик чидамлилиги ва изчил фикрлаш кўникмаларига ҳам янги, мураккаб босқичда синов бўлиб турибди.

Рақамлаштириш ўқитувчини алмаштириш, фикрлаш жараёнини енгиллаштириш ва инсонни техник восита ортига яшириш эмас, инсон тафаккурини бойитиш, ўқувчини «фойдаланувчи» эмас, «яратувчи»га айлантиришидир.

Таълимни ривожлантириш учун, аввало, жараён марказида инсон туриши, рақамли воситалар эса фақат ёрдамчи бўлиши зарур. Таҳлилий ва танқидий

фикрлашни кучайтирувчи педагогик методлар устувор бўлмаса, тезкор ахборот чукўр билимга айланмайди, экран ортидаги жараёнлар қанчалик қулай бўлмасин, китоб билан ишлаш, гуруҳдаги жонли мулоқот, амалий кўникмалар каби инсоний ўқув тажрибаларини ҳеч бир платформа алмаштира олмайди. Энг муҳими, рақамли саводхонлик техник кўникмадан юқори туриб, ахборотни танлаб олиш, таҳлил қилиш ва масъулият билан фойдаланиш маданиятига айланиши керак. Бу фақат техник кўникма эмас, ахборотни танлаш, таҳлил қилиш, сара-

лаш, хавфсиз фойдаланиш маданияти ҳамдир.

Рақамли таълим ҳақиқатан ҳам, келажак эшигидир, аммо уни пухта илмий ёндашув, синовдан ўтган методика ва чукўр билим билан очсаккина миллионлаб болалар учун ёруғликка олиб чиқадиган йўл бўлади. Акс ҳолда, технологияга қўр-қўрона ишониш таълим сифатини пасайтириб, келажак авлодни юзаки билим билан чеклаб қўйиши мумкин. Бугунги таълим тизими жадал рақамли ўзгаришлар жараёнида икки асосий илмий савол билан юзлашмоқда: тезкорликка интилиш жараёнида чукўр билимни

шакллантириш имкониятлари қисқармаяптими? Технология ўқувчининг билим олиш жараёнини қўллаб-қувватлаётгани ёки уни тайёр маълумотларга қарам қилиб қўймоқдами?

Шу саволларга тўғри жавоб топа олсак, рақамли таълим – деформация эмас, балки инсон тафаккурининг янги даражага кўтарилиш воситасига айланади.

Санобар РИЗАЕВА,
Чирчиқ давлат педагогика университети «Ахборот технологиялари ва сунъий интеллект» кафедраси катта ўқитувчиси



Табиат синоатлари

ЎН САККИЗ АСРНИ КЎРГАН УЧ ТУТ



Навоий вилояти ҳақида сўз кетганда, кўпчиликнинг кўз олдига кончилиқ саноати, замонавий ишлаб чиқариш ёки шу ном билан боғлиқ шаҳар келиши табиий. Аммо бу заминда, аниқроғи, Навбахор туманининг Учтут қишлоғида биринчи минг йилликнинг I-IV асрларида экилган, не-не эврилишларга гувоҳ бўлган учта қадимий тут ҳам бор.

Бу дарахтлар гўёки аждодларимизнинг боғдорчилик маданиятидан сўзлаётгандек туюлади. Улар кўп замоналар алмашгани кўрган, неча бор шамолат ва ёмғир қуйларини басталаган. Сояларида аждодларимиз дама олишган, бир-бири билан ҳаёт ҳақида сўзлашган.

Уч тутнинг узок умр кўриши сири соф табиий муҳит, ер ости сувларининг мўллиги билан боғлиқ. Лекин маҳаллий аҳоли «Бу тутлар аждодларимиз дуоси билан тирик. Улар ҳали ҳам бу заминни сақлаб турибди», деган фикрда.

Уч тут ва унинг атрофи тарихий жиҳатдан ҳам бекиёс. Худуддаги Чақмоқтош қоси, Сармишқой қоятошларидagi тасвирлар, шу ердан топилган осори атиқалар воҳа инсоният маданиятининг илдизларидан бири бўлганидан далolat беради. Аждодларимиз бу заминда табиат билан ҳам-оҳанг яшаган. Улар турмуш тарзи, эътиқоди, маданияти ва маънавияти билан кишилиқ жамиятининг тамал тоши қўйилишига муносиб ҳисса қўшишган.

Уч тут фақат табиатнинг эмас, балки инсон хотирасининг ҳам тирик гувоҳидир. Улар нафақат ўн саккиз асрлик тарихни, балки шунча йиллик меҳр, меҳнат ва эътиқодни ҳам ўз танасида сақлаб келмоқда.

Бугунги кунда ушбу дарахтлар Навбахор туманининг фахрига айланган. Демак, уларни асраб-авайлаш бизнинг ҳам инсоний бурчимиздир. Зеро, табиатни асраган халқ – ўз тарихини асрайди. Илдизини унутмаган авлод – келажакни яратади.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Гулмира ЖУМАЕВА, тадбиркор:

ПУЛ КЎЧАДА ЁТИБДИ, УНИ ЙИҒИБ ОЛИШ КЕРАК, ХОЛОС

Тажриба



Мен бугунги кунда чиқиндиларни қайта ишлаш заводлари тармоғини бошқараман. Жамоамизда 400 дан ортиқ киши ишлайди.

Бир вақтлар эса... 2008 йилгача турмуш ўртоғим билан хорижда кўча супурардим. У ердаги ҳаёт жуда оғир эди: ҳар қандай об-ҳаво шароитида кун бўйи кўча тозалардик, бутерброд билан тушлик қилиб, термосдан иссиқ чой ичардик. Кейинчалик чиқиндиларни қайта ишлаш

заводига ишга жойлашдим – уларни сараладим, худудни супурдим. Аввал ускуналар оператори, кейин эса 80 нафарга яқин ишчига бош бўлдим. Ҳаммаси яхши кетаётганга ўхшарди, лекин доим уйимни – Ўзбекистонни соғинардим. Кўпинча ўзимга ўзим: «Агар чет элда оғир ишларни бажараётган бўлсам, нега ўз юртимда ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмайман?» дердим. Ватанимга қайтиб, худди шундай завод қуриб, уни бошқаришни орзу қилардим. Эрим куларди, лекин доим мени қўллаб-қувватларди.

2015 йилда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Самарқанд вилоятига қайтиб келдим. Ишни 20 та элақ-арава билан бошладим: ёллан билан ишчилар Каттакўрғон шаҳри бўйлаб чиқинди

йиғар, мен эса дафтарга ёзиб борардим. Кунлик даромад атиги 50-60 минг сўм эди.

2016 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлари туфайли янги имкониятлар пайдо бўла бошлади. 2018-2019 йилларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 4 гектар ерни «ноль» қийматда олиб, завод қуришни бошладим. Шу тариқа узок кутган орзуим рўёбга чиқди. Албатта, бу осон бўлмади. Ойлаб қийналди, лекин биз бардош қилдик. Синовларни енгиб ўтиш керак, шунда ҳаммаси яхши бўлади, деган фикр билан яшардим.

Бугунги кунда Каттакўрғон туманидаги 3 та чиқиндини қайта ишлаш кластерига раҳбарлик қиламан. 2015 йилдан 2025 йилгача бешта МЧЖ ташкил этишга эришдим.

Биз пластик қоғлар, шиша, металл, пластмасса ва бошқа материалларни қайта ишлаймиз. Ўтган йили заводларимиз 7 турдаги хомашёни қайта ишлаган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 13 турга етди. Саккиз хилдаги ускунадан фойдаланяпмиз. Чиқиндилар гранулаларга айлантирилади ва йирик корхоналар томонидан сотиб олинади. 2020 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 4 миллион долларга етди. Сўнги беш йилда жами 15 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқардик.

Корхоналаримизда ноғиронлиги бўлган шахслар, ижтимоий қийноғга муҳтож хотин-қизлар ва ёшлар учун иш ўринлари яратилмоқда. Ўтган йили янги кредит олдик, Хитойдан келган инвестициялар эса ускуналарни

янгилаш имконини берди. Мақсадимга етгандек бўлдим, лекин нимадир етишмаётгандек туюлди – мен бундан ҳам кўпроғига қодирман! Бу қандай ишларни билмайман, лекин самимий истаклар ҳар доим амалга ошади. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастури – «Ҳамроҳ» компаниясидан менга мурожаат қилинди. Ҳозир биз биргаликда яна мингта иш ўрни яратиш режасини ишлаб чиқмоқдамиз! Қорақалпоғистонда янги завод очиб, келусида қўшни давлатлар бозорига чиқаришни режалаштирганман.

Аёл ҳам завод қуришга ва уни бошқаришга қодир. Айтишганидек, пул кўчада ётибди – уни фақат супуриб олиш керак, холос.

Ишбилармоннинг сўзларини «Ishonch» мухбири Зебо НАМОЗОВА ёзиб олди

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Таваккал Қодиров ижросида

«БИЗНИ ТАШЛАБ ҚАЙГА КЕТДИ»

қўшиғи

Бизни ташлаб қайга кетди ул қаро қошим менинг?! Термулиб йўлига кўздin оқадир ёшим менинг.

Чорасиз қолдим, нетай, ҳижрон ўтида ўртаниб, Тўлди ҳасрат бирла қуйган бу ичу тошим менинг.

Миссин газали

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2030-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir **Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hay'ati – (71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-82-89

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43

Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20

Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31

Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12

Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34

Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66

Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70

Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44

Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Salim ABDURAHMONOV

Musahhirlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA,

Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21:30

Topshirildi – 22:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligraf jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilashrtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 079 ta

Shundan: 6 073 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;

18 125 nusxasi

«Erdit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 881 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tafoq. Buyurtma G-1211

1 2 3 4 5 6